O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 31 март жума
Сотувда эркин нархда
№ 62 (2359)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Кун тартибида:

## ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги вазифалар

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлислар залида ўтказилган йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи видеотасмаси намойиш этилди.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари мазкур нутқдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилишди.

Президентимиз томонидан Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида кўрсатиб берилган камчиликлар, нуқсонлар Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам борлиги, ислоҳотларни чуқурлаштиришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги алоҳида қайд этилди. Айниқса, Қорақалпоғистон иқтисодиётининг бош тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, пахтачилик ва шоличиликни ривожлантириш борасидаги ҳозирги вазият ҳақли ташвиш уйғотмоқда. Ўтган йили пахтачиликка ихтисослаштирилган 96 та хўжаликдан атиги 9 таси давлат шартномасини бажарди. Қорақалпоғистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги 122 та хўжалик йилни жами 4 миллиард 686 миллион сўм зарар билан якунлади. Шоличиликдаги қолоқлик барҳам топгани йўқ, шартнома режаси бажарилмади.

Президент Ислом Каримов Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида раҳбар кадрларнинг ислоҳотлар учун, халқ берган ишонч учун масъуллиги масаласини алоҳида таъкидладилар. Кейинги 2 йил мобайнида Қорақалпоғистонда 7 нафар шаҳар ва туман ҳокими, 62 нафар ҳоким ўринбосари, 110 нафар хўжалик раҳбари ўзгартирилди. Ваҳоланки, жойлардаги иқтисодий аҳвол ўша-ўшалигича қолаётир. Вазифа эса бутун чоралар билан таълим, соғлиқни сақлаш, маънавият, маърифат, тадбиркорлик соҳаларида туб бурилишга эришиш, чинакам бозор муносабатларини юзага чиқаришдан иборат!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Тошкентда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов бошқарган мазкур йиғилишда барча мутасадди раҳбарлар Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳалардаги хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олиши лозимлиги қайд этилди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ўзаро ҳисоб-китобларни, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

### СИРДАРЁ

Гулистонда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими А.Исроилов бошқарди.

Ўтган йили вилоят пахтакорлари аввалги йилга қараганда 80 минг тонна кўп ҳосил етиштиришди. Бироқ тўққизта тумандан фақат учтаси, 102 та хўжаликдан эса 44 таси йиллик режани бажарган, холос. 1999 йилда вилоят бўйича бор-йўғи 30 минг тонна пахта машиналар ёрдамида териб олинди.

Йиғилишда саноат, транспорт тизимини ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, халқ таълими, тиббиёт, маданият ва маънавият соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

### НАВОИЙ

Навоий вилояти ҳокими Ғ.Дилов бошқарган йиғилишда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликлар бу ерда ҳам мавжуд эканлигини қайд этдилар.

Вилоятнинг йирик саноат корхоналари замон талаблари даражасида ишламаётгани боис омборларда кўплаб маҳсулот тўпланиб қолган. Айрим қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган бўлса-да, фаолият кўрсатмаяпти. Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиб бораётир. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда.

Йиғилишда йўл қўйилаётган нуқсонларни тугатиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун амалга оширилиши лозим бўлган бирламчи вазифалар белгилаб олинди.

### ҚАШҚАДАРЁ

Қаршида ўтказилган йиғилишда шу масала юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокими Ш.Бегматов маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари таъкидлаганидек, Йўлбошчимизнинг маърузасида кўтарилган масалалар Қашқадарё вилоятига ҳам дахлдордир. Кейинги икки йилда вилоят давлатга пахта сотиш шартнома режасини уддалай олмади. Шу кунларда олиб борилаётган баҳорги экиш ишлари ҳам қониқарли эмас. Аҳолини табиий газ, ичимлик сув, электр энергияси билан таъминлашда узилишлар мавжуд. Бу эса одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар суст боряпти. Энг муҳими, раҳбар кадрлардаги лоқайдлик, уқувсизлик умумий ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

### БУХОРО

Бухорода ҳам шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришини бозор иқтисодиёти қонунлари асосида тараққий топтириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ҳали кўплаб фойдаланилмаётган имкониятлар борлиги таъкидланди. Жумладан, ўтган йили 68 та хўжалик пахта тайёрлаш, 67 та хўжалик эса дон топшириш режасини бажара олмади.

**ЎзА.**

### ФАРҒОНА

Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўзгача тартибда бошланди. Унинг иштирокчилари Юртбошимиз нутқини видео ёзувда кўришгандан сўнг вилоят ҳокими А. Отабоев тўпланганларга мурожаат қилди: «Қани, Юртбошимиз нутқи юзасидан ким қандай хулоса чиқарди, қандай тадбирлар бошлади? Марҳамат, эркин фикр билдиришларинг мумкин».

Бирин-кетин минбарга кўтарилган нотиқлар жамоалари, туманлар, шаҳарлар, вилоят миқёсидаги муаммолар, камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Улар Юртбошимизнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясида куюнчаклик билан ўртага ташлаган вазифаларни бажариш учун уч ойдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, баъзи жойларда жиддий ўзгаришлар, бурилишлар рўй бермаётганлигидан ташвиш билдирдилар.

Чунончи, Фарғонадаги сессияда суғориладиган ерлардан фойдаланиш аҳволи ёмонлиги кўрсатиб ўтилган эди. Шу хусусда Сурхондарёдаги йиғилишда ҳам тўхталиб ўтилди. Айниқса, вилоятда ташкилот, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари ихтиёрига берилган ерлардан фойдаланиш аянчли аҳволда. Вилоятдаги 183 та ёрдамчи хўжалик тасарруфидаги 6137 гектар ернинг икки минг гектари самарадорлиги лалми ерларникидан ҳам кам. Атиги 15-20 центнердан бошоқли дон йиғиштириб олинган, холос. Ҳолбуки, уларга қўшни бўлган хусусий фермер хўжаликларининг кўрсаткичлари 2-3 баробарга юқори.

Йиғилишда Юртбошимизнинг Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида таъкидлаганидек, «ислоҳотда-тартиб, ислоҳотда-интизом бўлсагина иш юришиши, самарадорликка эришиш мумкинлиги» қайта-қайта таъкидлаб ўтилди. Зеро, бу кўрсатма эндиликда ҳар бир жамоа фаолиятининг муҳим қоидасига айланиши лозим.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Фарғона вилоятидаги «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятини нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам яхши билишади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати жаҳон андозаси талаблари даражасида бўлгани учун ҳам унинг харидорлари кўп. Яқинда уларнинг сафи янада кенгайди: бир қатор Ҳамдўстлик давлатлари ҳам «Қувасойцемент» буюртмачилари сафидан ўрин олди. Корхона маҳсулотининг сифати яхшиланиб, харидорлар сафи кенгайиб бораётгани унинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланиб боришида муҳим омил бўлмоқда.*

**СУРАТДА: моҳир созловчи Акмалжон Абдухалилов иш устида.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятида бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Унда тегишли қўмита ва комиссия аъзолари, вазирликлар, идоралар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов бошқарди.

Ушбу масалани ўрганиш учун мазкур қўмита ва комиссия томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи таркибида Олий Мажлис депутатлари, Олий суд, республика Прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ва республика оммавий-ахборот воситалари вакиллари фаол қатнашдилар. Улар томонидан Хоразм вилоят ҳокимияти, унинг бўлинмалари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари, вилоят ҳудудида жойлашган бир қанча йирик корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари таҳририятларига 1998-1999 йиллар мобайнида ҳамда жорий йилнинг ўтган даври ичида фуқаролар томонидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар, ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилиши таҳлил қилинди.

Шу билан бирга вилоят ҳокимият органлари томонидан фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бир қатор камчиликлар ҳам бор. Кейинги йилларда фуқароларнинг мурожаатлари мазмуни ва хусусиятида жиддий ўзгаришлар юз бергани кузатилди. Фермер хўжаликлари ташкил этиш, турли корхоналар, аҳолига савдо ва бошқа хизматлар кўрсатиш жойлари очиш учун ссуда ҳамда ер участкалари ажратиш, уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисидаги мурожаатлар сони кўпайган. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятларида, ҳокимият бўлим ва бошқармаларида ҳанузгача фуқароларнинг такрорий мурожаатларини келтириб чиқарадиган ҳолатларга чек қўйилмаган. Натижада фақат вилоят ҳокимиятига 1998 йилда 134 та, 1999 йилда 250 та мурожаат такрорий равишда тушган. Айрим ўзини ўзи бошқариш органларида фуқароларни қабул қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган. Вилоятда фуқароларнинг таклифлари ва шикоятларига юзаки, тўраларча муносабатда бўлиш, уларни кўриб чиқиш тартиблари ва муддатларини бузиш ҳоллари ҳамон мавжуд.

Мажлисда Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Б. Раҳимов, Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолияти таъминоти комиссияси раиси, Боғот тумани ҳокими Ш. Хўжаниёзова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалилов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Муҳокамага қўйилган масала бўйича баён этилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар асосида қарор қабул қилинди. Қарорда, жумладан, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Хоразм вилоятида қониқарли даражада бажарилаётганлиги эътироф этилиб, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари, тегишли ҳокимиятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, аҳолига хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини ҳал этиш билан бевосита боғлиқ бўлган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларига фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан ва самарали чоралар кўриш тавсия этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова қатнашди.



Соғлом авлод сарчашмалари

## ҚАЙНОНА

*Аслида қайнона ҳам она. У ўзининг оқилалиги, донолиги, меҳрибонлиги ва узоқни кўра билиши билан оиладаги соғлом муҳитни, унинг изчиллигини таъминлаши зарур бўлган зотдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз келинларига ҳар томонлама етарли шароит яратиб берадиган қайноналар ҳақида мамнуният билан сўзлаб, уларга миннатдорчилик билдирдилар. Ва яна айни пайтда керак бўлса, қайноналар тарбияси билан ҳам шуғулланиш керак, — дея қўшиб қўйдилар.*

*Оқила қайнона бор хонадон сув сепилган кўчага ўхшайди: ҳеч қачон чанги чиқмайди. Статистик маълумотларга кўра, оилада тотувликка раҳна солинишига сабаб бўладиган асосий омил — қайнона-келин можаролари ҳам, энг аввало, қайнонага боғлиқ.*

*Юртимизда келинига ўз онасидай бўлиб кетган қайноналар кўплаб топилади. Уларни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Улардан ибрат олиш эса оилани мустаҳкамлаб, икки ўртада фарзандлар — келин билан куёвнинг ноҳақ азият чекмаслигига кафолат беради.*

*Фарзандларимизни ҳар томонлама камол топган шахс сифатида шакллантириш мақсадига хизмат қиладиган «Соғлом авлод» дастури қайноналар зиммасига масъулиятли вазифа юклайди. Чунки соғлом фарзанд туғувчи онанинг кайфияти, соғлиги, туриш-турмуши ҳар жиҳатдан қайнонага боғлиқ. «Ўригидан данаги»ни ардоқловчи ўзбек қайноналари бу ҳақда жиддий қайғуришларига ишончимиз комил!*

## КУЧЛИ ЎНЛИККА ДАЪВОГАРМИЗ

**Тошкентда очилган Осиё теннис федерациясининг йиллик конференцияси бугун ўз ишини якунлайди**

Осиё теннис федерацияси қитъамиз ҳудудида теннис ривожланишини назорат қилувчи, ҳар томонлама кўмаклашувчи нуфузли ташкилот саналади. Унга Осиёнинг 40 дан зиёд мамлакати аъзо бўлиб кирган. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам 1994 йилдан ОТФнинг доимий аъзоси ҳисобланади. Ўтган йилдан бошлаб эса республикамиз вакили ушбу федерация Ижроқўмининг тўлақонли аъзосидир.

Бундан саккиз-тўққиз йил олдин мамлакатимизда кўпчилик катта теннис, унинг қонун-қоидалари ҳақида деярли тасаввурга эга эмас эди. Бугунга келиб эса нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларимизда муҳташам теннис кортлари мавжуд. Унда юзлаб, минглаб ёшларимиз, турли тоифадаги кишилар катта ракетка ва сариқ копток иштирокидаги ушбу нафис спорт тури билан шуғулланишмоқда. Бир сўз билан айтганда, теннис диёримизда қисқа фурсат ичида оммалашди.

Юртимизда ташкил этилаётган халқаро мусобақаларга тобора номдор теннис юлдузларининг ташриф буюраётгани, ушбу турнирларнинг юксак савияда ўтаётгани хориж мутахассислари томонидан эътироф этилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

— Теннис Ўзбекистонда жуда жадал ривожланмоқда, — деди ОТФ Ижрочи директори Дейв Мейли журналистларга берган интервьюсида. — Буни мамлакатингиз терма жамоасининг Дэвис кубогида муваффақиятли иштироки, теннис билан шуғулланишга яратилган жаҳон стандартидаги шароитларда ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам бу сафарги йиллик анжуманимизни Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилдик. Шунингдек, республикангиздаги теннисни ривожлантириш Жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда болалар теннисини янада тараққий эттириш, улар ўртасида турнирлар ўтказиш ниятидамиз. Бу борада ОТФ томонидан барча услубий ёрдамлар кўрсатилади. Мен 1993 йил ҳам юртингизга келган эдим. Шу ўтган вақт ичида бу ерда жуда катта ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдим. Ўйлайманки, яқин келажакда мамлакатингиздан дунё теннисчилари рейтингининг кучли ўнлигидан ўрин оладиган катта ракетка усталари етишиб чиқади.

Айтгандай, Дэвис кубогининг бу йилги баҳслари хусусида: биринчи босқичда сафарда хитойлик тенгдошларини мағлубиятга учратган терма жамоамиз 7-9 апрел кунлари Тошкентда Янги Зеландия катта ракетка усталарига қарши кортга тушади. Ушбу мусобақада Ватанимиз шарафини Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко ҳимоя қилишади.

Осиё теннис федерациясининг йиллик конференцияси бугун ўз ишини якунлаб, унинг иштирокчилари эртага қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишади.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## УЗОҚҚА ЧЎЗИЛМАГАН «БАЙРАМ»

Ўткир тиғ остида

**Енгил даромад топиш илинжида бўлган кимса ҳеч нарсадан тап тортмаслиги, ҳатто бу борада оддий инсонийлик хислатларини ҳам ёддан чиқариши муқаррар. Раҳбарларнинг унинг қилмишларига кўз юмиб кетишлари эса ўша кимсани янада кутуртиради ва қилаётган қинғир ишларидан ўзи роҳатланиб, янги ва янги қилиқлар чиқараверади. Чунки у ўша пайтда доноларимизнинг «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади» деган ҳикматларини унутиб қўяди.**

«Намангантранс» ҳиссадорлик бирлашмаси бош ҳисобчиси З. Мирзахолов ҳам «Қилмишни қилавераман, қонунни бузавераман, мансабимни суиистеъмол этавераман, барибир, ҳеч ким буни билмайди», дея калта ўйлаб, молиявий интизомга риоя этмай, қинғир ишини юргизаверди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси мутахассислари корхонани тафтишдан ўтказишгач, унинг бу ўй-хаёллари саробга айланди.

З. Мирзахолов ўзига, оиласига ва ҳамкасбларига туз-нон, ризқ-насиба бераётган бу корхона маблағларини шунчалик жўн ўмардики, асти қўяверасиз. Банкдан олинган маблағларни ҳисобга олмаслик ва уларни касса ҳисоботига қўшмаслик унинг «ўзига хос» усулларидан ҳисобланади. Сиз «Ахир, бунинг учун қатъий тартиб бор-ку?» дея таажжубланишингиз табиий. Вазиятни тўғри англаган газетхонга яна бир қизиқ ҳолатни айтиб ўтишни жоиз билдик. Буни қарангки, «Ўзқурилишсаноатбанк»нинг вилоят бўлими мутахассислари Ж. Бойдадаев ва К. Ғуломовлар корхонани текширувдан ўтказишгач, унда касса интизоми бузилмаган, деган хулосага келишган. Текширув шунчалар «мукаммал» бўлганлигидан, ҳатто банк ходимлари айёр бош ҳисобчи ҳисобдан ўтказилмаган салкам 5 миллион сўм нақд пулни чўнтакка урганлигини сезмай қолишган.

Тўғрисини айтиш керак, «Намангантранс»даги моддий жавобгар шахслар «майда-чуйда» билан овунадиганлар хилидан эмаслар. Бирлашма хўжалик ишлари мудири С. Ғаффоров юқори ташкилотдан йўл чипталарини қабул қилишга жавобгар шахс ҳисобланади. Салкам уч йил мобайнида у 11529 та йўл чиптасини қабул қилиб олиб, аҳолига ҳам сотган, ўз манфаати учун ҳам ишлатган. Моддий бойликларнинг қолдиқлари ҳисоблаб чиқилганда, 6702 та ҳужжатсиз йўл чиптаси мавжудлиги аниқланди. Уларнинг қаёқдан келганлигини ҳеч ким айтиб бера олмади.

Йўл чипталари «операцияси»дан бош ҳисобчи ҳам четда қолмади. У чипталарнинг бир қисмини, аниқроғи, 320 тасини олиб қўйиб, уларни шахсий манфаатлари йўлида ишлатишдан ор қилмади.

Енгил бойлик орттиришнинг мазасини тотиб кўрган З. Мирзахолов ҳатто ҳужжатларни қалбакилаштиришдек ишни ҳам осонгина амалга оширди. Бу ҳолат «Намангантранс» ҳиссадорлик бирлашмаси билан Наманган ғишт заводи ўртасида тузилган шартномаларга икки томонлама риоя этилишини текшириш давомида аниқланди. Молиявий ҳужжатлар гўёки бирлашма сотиб олган 10 минг 400 та ғишт учун тўланган пулларда 70 минг сўм тафовут борлигини кўрсатди. Буни қарангки, хўжалик ишлари мудири С. Ғаффоров номига ёзилган иккита ишонч қоғозига кўра, қурилиш ашёси заводдан олиб кетилса-да, бирлашманинг молиявий ҳужжатларида бундай харид қайд қилинмаган. Текширув давомида эса хўжалик ишлари мудири ва бирлашма раҳбарининг имзоларини қалбакилаштириш орқали 10 минг 400 та ғиштни бош ҳисобчи ўз манфаати учун ишлатиб юборгани аён бўлди.

Очиғини айтганда, бош ҳисобчининг кирдикорлари «Намангантранс» ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбари И. Абдураимовнинг назаридан негадир четда қолганлиги кишини таажжублантиради. Балки у раҳбар халқимизнинг «Еган оғиз уялар» деган доно ҳикматини ёдда тутиб, буларни кўрса ҳам кўрмаганликка олгандир? Нега дейсизми? Бўлмаса, эшитинг. Бирлашма асосан таъсисчилар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига фаолият кўрсатса-да, ана шу маблағлардан 1,8 миллион сўмига Дубай шаҳрига (Бирлашган Араб Амирликлари) 8 та йўлланма харид қилиниб, И. Абдураимов бирлашмага алоқаси бўлмаган кишиларга, чунончи, «Ўзавтотранс» корпорацияси режа-иқтисод бошқармасининг собиқ бошлиғи Г. Магай ва Поп тумани 12-автохўжалиги раҳбари И. Ҳошимовларга «мурувват» кўрсатиб, биргаликда сайру саёҳат қилишган. Шуниси қизиқки, саёҳатга чиққанларнинг биронтаси ҳам «Намангантранс» томонидан қилинган харажатларни қоплашни хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Бирлашма маблағларини талон-торож қилиш ҳоллари турли кўринишларда намоён бўлган. Мазкур соҳага алоқаси бўлмаган олий ўқув даргоҳларида таълим олаётган талабаларнинг ўқишларини молиялаштириш, ўтказилмаган тақдимнома ва турли байрам тадбирларини уюштиришга маблағ ажратиш шулар сирасига киради. Қонунга хилоф равишда биргина турли байрам тадбирларини ўтказишга 1,3 миллион сўм пул ажратилиб, унинг 201 минг сўмига спиртли ичимликлар харид қилинган. Ана, байрам-у, мана, байрам!

Буни қарангки, бош ҳисобчи ўз жиғилдони ҳақида қайғурса, бирлашма раҳбари И. Абдураимов ўзи у ёқда турсин, қариндош-уруғларига ҳам бирлашма ҳисобидан ёрдам беришни унутмади. Биргина мисол. 1997 йили И. Абдураимовнинг укаси раҳбарлик қилаётган «Автосантехсервис» кичик корхонасига молиявий ёрдам сифатида 1 миллион сўм миқдоридаги пул маблағи қонунга зид равишда ўтказиб берилган. Тафтиш ўтказилган даврда кичик корхонанинг ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги туфайли қайд қилинган пул бирлашмага қайтарилмаганлиги боис, ана шу бир миллион сўм бажарилган ишлар ҳисобига ўтказилган.

«Бизнинг кўчага ҳам байрам келди» қабилида иш тутган «Намангантранс» ҳиссадорлик бирлашмаси бош ҳисобчиси З. Мирзахолов уч йил мобайнида қонунга хилоф равишда жонажон корхонасига тегишли 12,8 миллион сўмни «йўқ» қилиб юборган. Ана шундан 5,3 миллион сўмини ўз чўнтагига урган бўлса-да, тафтиш давомида кўрилган чоралар натижасида унинг бир қисми бирлашмага қайтарилган. Собиқ бош ҳисобчи эса «кўчасига келган байрам»ни энди 12 йил давомида ўзгача бир шароитда хотирлаб юришига тўғри келади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.**

Диққат: бевосита мулоқот

## АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

**Муҳтарам газетхон! Шу йил 6 апрелда соат 10.00 дан 12.00 гача «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетхонлари учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Ғофурович НАЗИРОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

Агар соғлиқни сақлаш масалалари билан боғлиқ саволларингизга шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни, қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:

**(8-371) 144-10-33 ёки (8-3712) 41-16-80.**

Айни пайтда вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 9.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371) 133-09-85 га йўллашингиз ёки (8-371) 132-12-08 рақамли телефон орқали, оғзаки тарзда баён этишингиз ҳам мумкин.

***Бевосита мулоқотга марҳамат!***

Шу сонга хабар

## ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Поп туманида биринчи бўлиб «Найман» ширкат хўжалигининг 3-бўлимидаги Раҳмон Абдураҳмонов етакчилик қилаётган бригадаси далаларида плёнка остига экилган чигит униб чиқди.

Хўжаликларда очиқ усулда чигит экиш ҳам бошлаб юборилди. Бугунги кунгача 141 гектардан ортиқ майдонга барака уруғи қадалди.

**Х. МАМАЖОНОВ.**

